



"Hamkorbank" АТБ тизимидаги муассасалар сони яна биттага кўпайди. Олмазор туманида шу номдаги янги универсал банк хизматлари офиси фойдаланишга топширилди. Энди мазкур туманни иқтисодий ривожлантиришга банкимиз ходимлари ҳам муносиб ҳисса қўшади.

4
БЕТ.



БОШ СОВРИН САМАРҚАНДА

давонида Россиядан 3 маротаба пул ўтказмасини қабул қилиб олди. Пулини олишда ҳам муаммо бўлмади.

Акция мижозимизнинг қувончига қувонч қўшди. Автомобиль соҳибига айланган куни оиласида байрам бўлиб кетди.

— Қутилмаган хабар билан банк ходимлари кўнғироқ қилганида, очиги, нима бўлаётганини тушунмадим, дейди Эмине Усмонова. — Ишонгим келмай, ўғлим билан гаплашишларини айтдим. Чунки бундай бўлиши хаё-

рининг уйимизга ташрифидан сўнг ишондим. Қаттиқ ҳаяжонда дарҳол яқинларга, қариндошларимизга хабар бердик, қувончимизнинг чегараси йўқ эди. Ажойиб янгилик... Янги йилга биз учун ажойиб совға бўлди. Барча ташкилотчилар ва банк раҳбариятига ўз миннатдорчилигини билдираман.

Ғолибликдан кўзлари қувонч ёшларига тўла онахон, ўғли ва яқинлари совғани топшириш тантанасига таклиф қилинди. Улар ўз ҳиссиётларини яширолмабди. "Hamkorbank" АТБ Самарқанд универсал БХОда автомобиль калити тантанали равишда топширилганда Самарқандда чинакам байрам бўлиб кетди. Бахт ва омад деганлари шуда.

Акциянинг якуний босқичи шу йилнинг февраль-март ойларигача давом этади. Бу шуни англатадики, ҳамюртларимизда "Chevrolet Tracker-2" нинг бахтли эгаси бўлиш учун ҳали вақт бор. Янги ғалаба ҳикоясига акциянинг сўнгги босқичи натижаларидан кейин батафсил тўхталамиз.

М.СОТВОЛДИЕВА,
"Hamkorbank" АТБ
ПР менежери.



лимига келмагандида. Ижтимоий тармоқларга кирмагани боис, акциядан мутлақо беҳабар эдим. Уша пайтда уларнинг сўзларига ишонмаганим рост. Банк ходимла-

Бу сонда:

3

СИЗНИНГ
ҲУҚУҚШУНОСИНГИЗ

4

ДУНЁНИ
ЎЗГАРТИРГАН
МОЛИЯЧИЛАР

5

"СЕМИЗ"
КИТОБЛАРНИ
ЎҚИГАН ЙИГИТ

7

Газета
тарқатувчиликдан
компания
раҳбарлигига

8

УЯЛИ
ТЕЛЕФОН

● **КУН ҲИКМАТИ:**

Билмаган нарсаларимни оёғим остига қўйганимда бошим кўкка етарди.

Имоми АЪЗАМ.



Ўзбекистон нафаси

Самарқанддаги "Регистон" ансамблига 2022 йилда 1 миллион 27 минг 951 нафар маҳаллий ва хорижий туристлар ташриф буюрди.

1 МИЛЛИОНДАН ОРТИҚ ТУРИСТ "РЕГИСТОН"ДА

Қайд этилишича, 2022 йилда "Регистон" ансамблини такомиллаштириш борасида қатор ишлар амалга оширилган. Хусусан, йил давомида олиб борилган реставрация ва консервация ишларида топишган ноёб тарихий ашёлар "Тиллакори" мадрасасидаги "Самарқанд тарихий суратларда" номли экспозициядан ўрин олди.

Шунингдек, «Шердор» мадрасасидаги «Суратларда акс этган тарих» экспозициясидан ўрин олган "Мударрис ва талабалар" композициясидаги ҳайкаллар

мумдан ясалган реалистик ҳайкаллар билан алмаштирилди.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Мирзо Улуғбек номидаги Астрономия институти директори, академик Шухрат Эгамбердиев томонидан вақтинчалик ўрнатилган қуёш соати шу йилнинг январь ойида темир материалдан ясалган соат билан алмаштирилиб, махсус мармар устунга ўрнатилди.

Маълумот учун, жорий йилнинг 1–8 январь кунлари "Регистон"га жами 17 минг нафар турист келди.

Ехеэд компанияси ва Ўзбекистоннинг Asaka Motors компанияси ўртасида ҳамкорлик шартномаси имзолангандан сўнг, Ехеэд Ўзбекистон бозорига кирганини расман эълон қилди. Бу ҳақда iXBT хабар берди. Ехеэд Хитойнинг Chery компанияси бренди бўлиб, 2017 йилда премиум синфидаги автомобиллар учун махсус ташкил қилинган.

ХИТОЙНИНГ ЕХЕЭД АВТОМОБИЛЛАРИ ЎЗБЕКИСТОН БОЗОРИГА КИРАДИ

Ўзбекистонда Ехеэд автомобилларини баҳордаёқ харид қилиш мумкин. Кейинчалик ушбу автомобилларни ишлаб чиқариш ва маҳаллийлаштириш режалаштирилмоқда.

— Янги автомобилларни етказиб бериш шу йил март ойида бошланади. Унга Ехеэд VX йўлтанламаси, замонавий TXL ва ёшлар учун мўлжаллан-

ган LX моделлари кирадиган. Ҳашаматли автомобилларни ишлаб чиқариш ва маҳаллийлаштириш борасида биз келажакка умид билан қараймиз, чунки бу чора-тадбирлар Ўзбекистон автомобиль саноатини янги босқичга кўтаришига хизмат қилади, — деди Asaka Motors бош директори Рустам Бекчанов.

Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти экспертлари Тошкент шаҳрида хонадонлар учун тақлиф этилаётган ижара нархларидаги ўзгаришларни ўрганди.

ПОЙТАХТДА ХОНАДОНЛАР ИЖАРАСИ НАРХЛАРИ ҚАНДАЙ?

2022 йилнинг декабрь ойи таҳлили натижаларида хонадонлар учун ўртача ижара нархи ноябрь ойидагига нисбатан ошгани, лекин ошиш суръати секинлашганини кўрсатди. Хусусан, ноябрда нархлар октябр ойидагига қараганда 4,4 фоизга тушган, аммо декабрда 3,5 фоизга ошган.

Шунингдек, нархлар Шайхонтохур, Миробод, Юнусобод туманларида кўтарилган. Бошқа туман-

ларда эса пасайиш кузатилган. "Ойбек", "Тошкент", "Минор", "Буюк Ипак йўли" метро бекатлари атрофида ва Нукус кўчаси бўйлаб жойлашган, яхши таъмирланган хонадонлар учун 1000 АҚШ долларидан юқори ижара нархлари тақлиф қилинмоқда. Чилонзор ва Юнусобод туманларида ижара нархлари нисбатан пастроқ, аниқроғи таъмирланган хонадонлар учун асосан 400-600 АҚШ долларини ташкил этмоқда.

Қозоғистон Конституциявий суди "Қозоғистон Республикасининг Биринчи Президенти – Элбоши тўғрисида"ги қонунни ўз кучини йўқотган деб топди.

ЭЛБОШИ ҲАҚИДАГИ ҚОНУН БЕКОР ҚИЛИНЯПТИ

2022 йилдаги референдум натижаларига кўра, Қозоғистон Конституциясида ушбу ҳужжатни сақлаб қолиш учун қонуний асослар йўқ, шунинг учун у ўз кучини йўқотган деб топилиши керак, деб маълум қилди Конституциявий суд.

"Қозоғистон Республикасининг Биринчи Президенти – Элбоши



тўғрисида"ги "Қозоғистон Республикасининг конституциявий қонунини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида"ги конституциявий қонун

лойиҳаси декабрь ойи охирида Қозоғистон парламенти қўйи палатаси – Мажлис кўриб чиқишига киритилган эди. Кутилишича, у январь ойида бўлиб ўтадиган палаталарнинг қўшма мажлисида кўриб чиқилади.

"Биринчи Президент тўғрисида"ги қонунда Назарбоев ва унинг оила аъзолари учун муҳим имтиёзлар, шунингдек, Назарбоев ва у билан бирга яшайдиган оила аъзоларига тегишли бўлган барча мулкка тааллуқли миллат етакчисининг дахлсизлиги кўрсатилган.

Франция ҳукумати мамлакатда пенсия ёшини икки йилга — 64 ёшгача ошириш ниятида. Мамлакат бош вазир Элизабет Борн ислоҳотдан мақсад 2030 йилда мувозанатли пенсия тизимини таъминлаш эканлигини таъкидлади.

ПЕНСИЯ ЁШИНИ 64 ЁШГАЧА ОШИРИШНИ РЕЖАЛАШТИРЯПТИ



Мавжуд дефицитларнинг кенгайишига йўл қўйиш «масъулиятсизлик» бўларди, дея қўшимча қилди у. Ҳукумат прогнозларига кўра, Франция пенсия жамғармасидаги маблағлар тақчиллиги ўша вақтга келиб 20 миллиард еврони ташкил қилиши мумкин.

"ГЎЗАЛЛИК САЛОНЛАРИ" ФАОЛИЯТИ ТАҚИҚЛАНДИ



"Толибон" ҳаракати раҳбарияти мамлакатдаги аёллар учун гўзаллик салонларини ёпишни буюрди.

Амалдаги ҳукумат Афғонистондаги барча аёллар гўзаллик салонлари ўз фаолиятини тўхтатиши кераклигини буюрган. Бунинг учун уларга 10 кун муддат берилгани айтилмоқда.

Бундан ташқари, ҳаракат вакиллари аёлларга савдо марказларида ишлашни ҳам тақиқлади.

ПАРВОЗ ВАҚТИДА МУЗЛАБ ҚОЛДИ

Россиянинг Ненец автоном округида Ан-2 энгил самолёти музлаб қолиши туфайли кескин қўнишни амалга оширди.



"Дастлабки маълумотларга кўра, борда икки нафар экипаж аъзоси ва ўн нафар йўловчи бўлган. Воқеа жойига қорда ҳаракатланадиган машиналар ва вертолётда куруқликдаги гуруҳ юборилган", — дейилади Фавқулодда вазиятлар вазирлиги хабарида.


Ҳодиса оқибатида икки киши ҳалок бўлган.

ХАКЕРЛАРНИНГ "ОВИ" БАРОРИДАН КЕЛДИ

Slowmist Hacked ва Атлас VPN тадқиқотчиларининг маълумотларига кўра, 2022 йилда хакерлар томонидан турли блокчейн платформаларидан ўғирланган криптовалюта миқдори 3,5 миллиард долларни ташкил этган.

Маблағларнинг катта қисми — 92 та ҳужумда 2 миллиард доллар — Binance Smart Chain (BSC) экотизимидан ўғирланган.

Бошқа барча криптолойиҳалар ва платформаларга 48 та ҳужум уюштирилган, улар давомида 370 миллион доллар ўғирланган. NFT'да 57 та ҳужум содир этилган. Бу орқали сег-



мент жами 90 миллион доллар йўқотди.

Тадқиқотчиларнинг

таъкидлашича, улар ўтган йили FTX крипто биржасининг банкротлиги натижасида кўрилган йўқотишларни ҳисобга

олмаган. Чунки аниқ миқдор ҳали ҳисоблаб чиқилмаган.

Ҳисобот муаллифларининг таъкидлашича, крипто бозоридаги умумий секинлашувга қарамай, ўтган йили блокчейн технологияларининг кенг тарқалиши туфайли ҳужумчилар жуда фаол бўлган.

Жаҳон банки доимий юқори инфляция туфайли 2023 йил учун глобал иқтисодий ўсиш прогнозини кескин пасайтирди. Қайд этилишича, жорий йилда жаҳон ялпи ички маҳсулоти 1,7 фоизга ўсади. Олти ой олдин бу кўрсаткич 3 фоизга ўсиши кутилаётган эди.

Жаҳон банкида нима гап?



Глобал иқтисодий ўсиш суръатларининг секинлашиши унинг рецессияга яқинлашаётганидан далолат беради. Аҳоли жон бошига йиллик жаҳон даромадининг пасайишига юқори инфляция, шунингдек, айрим мамлакатларда пул-кредит сис-темининг кескинлашуви сабаб бўлади.

Иқтисодий ривожланиш бўйича жаҳоннинг учта асосий етакчиси — АҚШ, Европа ва Хитой иқтисодий кўрсаткичларнинг кескин пасайишига дуч келади. Бу эса ривожланаётган мамлакатлар бозорининг ёмонлашувиغا олиб келади.

Юқоридаги омилларни ҳисобга олган ҳолда Жаҳон банки глобал иқтисодий ўсиш суръатлари 2023 йилда 1,7 фоизга, 2024 йилда эса 2,7 фоизга секинлашишини кутмоқда. Бундан ташқари, банк ривожланган мамлакатларнинг 95 фоизи ва ривожланаётган мамлакатларнинг 70 фоизи учун 2023 йилга мўлжалланган иқтисодий ўсиш прогнозларини қисқартиришини маълум қилди.

Бу йил АҚШ ялпи ички маҳсулоти 0,5 фоизга ошади. Шу билан бирга, Еврозона иқтисодиёти ҳажми 2022 йилга нисбатан ўзгармайди.

(ЎЗ МУХБИРИМИЗ)

Президентимизнинг 2022 йил 22 сентябрдаги “Ипотека кредитидан фойдаланишда аҳолига қўшимча қулайликлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан, уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож аҳолини қўллаб-қувватлаш, ипотека кредити механизмида фойдаланиш амалиётини янада такомиллаштириш ва кенгайтириш мақсадида бир қатор имтиёзлар берилмоқда.



ИПОТЕКА КРЕДИТИ ОЛГАНДА

Хусусан, мазкур қарорга асосан, 2023 йилдан бошлаб дастлабки бадалнинг ва ипотека кредити бўйича фоизларнинг бир қисmini қоплаш учун субсидия берилган фуқароларнинг уй-жойларни сотиб олиш, қуриш ёки реконструкция қилиш учун олинган ипотека кредитларини ҳамда улар бўйича ҳисобланган фоизларни тўлаш учун йўналтирилган иш ҳақи ва бошқа даромадлари жисмоний шахслардан олинган даромад солиғига тортилмайди. Бунда имтиёз қарз олувчи ва бирга қарз олувчилар даромадининг бир солиқ даврида меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг 80 барабаридан ошмаган қисмига татбиқ этилади.

Солиқ кодексининг 378-модда 16-бандига кўра, бир қатор даромад турларига солиқ солинмайди. Солиқ тўловчининг қуйидагиларга йўналтириладиган солиқ солиниши лозим бўлган иш ҳақи ва бошқа даромадларига солиқ солинмайди. Чунончи олинган ипотека кредитларини ва улар

бўйича ҳисобланган фоизларни солиқ даври давомида жами ўн беш миллион сўмгача бўлган миқдорда қоплашга, башарти яқка тартибдаги уй-жойнинг ёки кўп қаватли уйдаги хонадоннинг қиймати уч юз миллион сўмдан ошмаса ҳамда у дастлабки бадалнинг ва (ёки) ипотека кредити бўйича фоизларнинг бир қисmini қоплаш учун бюджетдан ажратилган субсидияларни ҳисобга олган ҳолда олинган бўлса.

Мазкур имтиёз қарз олувчига ва бирга қарз олувчиларга, имтиёз олиш ҳуқуқига эга бўлган барча солиқ тўловчиларга берилган, солиқ солиниши лозим бўлган даромадларни камайтириш суммаси солиқ даври давомида жами ўн беш миллион сўмдан ошмаган тақдирда татбиқ этилади.

Мол-мулк унга бўлган ҳуқуқ давлат рўйхатидан ўтказилган санадан эътиборан 36 ой ичида бегоналаштирилганда, даромадлар солиққа тортилади.

Ш. МАМАТУРОВА

САВОЛ: Ходим ва иш берувчи меҳнат шартномасини тарафларнинг келишувига кўра бекор қилишга келишиб олган ҳолатда қандай ҳужжат тузилиши керак? “Келишувга кўра” ишдан бўшаш билан “ўз хоҳишига кўра” ишдан бўшаш ўртасидаги фарқ нимада?

М. ИНОМОВА,
Самарқанд.

ЖАВОБ: 2023 йил 30 апрелдан кучга кирадиган янги Меҳнат кодексига кўра ходим ва иш берувчининг ўзаро келишувига кўра исталган меҳнат шартномасини – номуайян муддатга тузилган меҳнат шартномасини ҳам, муддатли меҳнат шартномасини ҳам бекор қилиш мумкин. Буни исталган вақтда тарафларнинг келишувига кўра амалга оширса бўлади. Янги МКнинг 157-моддасида ходимнинг шу асосда ишдан бўшатишнинг аниқ тартиби назарда тутилган.

Меҳнат шартномасини тарафларнинг келишувига кўра бекор қилиш меҳнат шартномасига доир қўшимча келишув билан расмийлаштирилади. Унда қуйидагиларни кўрсатиш лозим:

- * меҳнат шартномаси бекор қилинадиган сана;
- * қўшимча келишув тузилган сана;
- * тарафларнинг реквизи-тарлари.

Ушбу ҳужжат меҳнат



МЕҲНАТ ШАРТНОМАСИ: ТАРАФЛАРНИНГ КЕЛИШУВИГА КЎРА...

шартномаси тарафларининг уни бекор қилиш ҳақидаги ўзаро розилиги фактини тасдиқлайди.

Тарафларнинг келишувига кўра ишдан бўшашни МКнинг 160-моддаси бўйича ходимнинг ташаббусига кўра ишдан бўшаш билан адаштирмаган. Биринчи ҳолатда ходимнинг ҳам, иш берувчининг ҳам розилиги талаб қилинади, иккинчиси — ходимнинг хоҳиши етарли.

Асос:

- * тарафларнинг келишувига кўра ишдан бўшаш

учун меҳнат шартномасига қўшимча келишув;

* ходимнинг ташаббусига кўра меҳнат шартномасини бекор қилиш учун ходимнинг иш берувчинини ишдан бўшаш иста-

СИЗНИНГ ҲУҚУҚШУНОСИНГИЗ

меҳнатга оид муносабатлар давом этаётган бўлса, ходимнинг меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақидаги аризаси ўз кучини йўқотади.

Меҳнат шартномасини тарафларнинг келишувига кўра бекор қилишда эса меҳнат шартномасини бекор қилишнинг исталган санасини белгилаш мумкин, ҳатто бир ойдан кейин ҳам. Меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги қўшимча келишувда албатта аниқ сана кўрсати-

берилган тақдирдагина йўл қўйилади. Худди шу тартиб ходим ва иш берувчининг ўзаро розилиги билан белгиланган меҳнат шартномасини бекор қилиш санасига ҳам тегишли. Уни фақат тарафларнинг келишувига кўра ўзгартириш мумкин.

Касаба уюшмаси кўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органининг меҳнат шартномасини томонларнинг келишувига кўра бекор қилишга розилиги талаб қилинмайди. Ходимга ишдан бўшатиш нафақаси тайинланмайди.

Меҳнат шартномаси тарафларнинг келишувига шартлашилган санада бекор қилинади, ҳатто у “касалик” даври, таътил ёки ходимнинг иш жойида бўлмаган бошқа ҳолатларга тўғри келса ҳам. Умумий қоидага кўра вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик нафақаси агар уни олиш ҳуқуқи иш берувчи билан меҳнат муносабатларида бўлган даврда (синов даври ҳамда ишдан бўшатишдан кунни ҳам қўшиб) пайдо бўлса берилади.

Ленара ҲИКМАТОВА,
ҳуқуқшунос

Бугун айтиш мумкинки, молия бозорида банкимиз ўз ўрнига эга. Хизмат кўрсатиш сифатини ошириш ва мижозлар учун қўшимча қулайликлар яратиш устида тинимсиз иш олиб борилмоқда. Шу мақсадда аҳоли учун қулай манзилларда янги шаклдаги универсал банк хизматлари офислари фаолияти ташкил



ОЛМАЗОРЛИКЛАР

этиляпти. Бизнинг муассасамизни ташкил этилиши бу йўлда яна бир қадам бўлди.

Офисимиз замонавий технологиялар билан тўлиқ жиҳозланган, мижозларга сифатли хизмат кўрсатиш мақсадида малакали мутахассислар жалб этилди. Бир вақтнинг ўзида тадбиркорлик субъектлари ва аҳолига кенг турдаги барча замонавий банк хизматларини таклиф этамиз. Хусусан, мижозлар ҳисоб рақами ва пластик карталар

икки қарра масъулият билан иш бошлади. Амалдаги йилни ўзимиз учун "Мижозларни жалб қилиш йили" деб номладик. Йил бошидан хизмат кўрсатиш билан бир вақтда Олмазор тумани ҳамда Тошкент шаҳридаги корхона ва ташкилотларга кириб бориб, тарғибот ишларини олиб бораёмиз. Чунки банклар орасидаги ижобий рақобатда кутиб ўтириш билан натижага эришиб бўлмайди.



очиши, валюта алмаштириши, кредит ва омонат расмийлаштириши, барча турдаги тўловларни амалга ошириши ҳамда халқаро пул ўтказмаларини қабул қилиши ва юбориши мумкин. 24/7 режимида фаолият кўрсатувчи замонавий банкомат ва инфокиосклар билан таъминланган.

Янги жойда иш олиб боришнинг ўзи бўлмайди. Жамоамиз дастлабки кундан шу сабаб

Биринчи мижознинг кириб келиши бизни қувонтирди. У "Грант замон бинокор" МЧЖ раҳбари Аслиддин Ғанижонов бўлди. Тадбиркор мавжуд имкониятлар ва эътиборни кўриб ҳамкорликда ишлашга қарор қилди.

Мазкур корхона курилиш фаолияти билан шуғилланади. Яқин кунларда янги бир

лойиҳаси учун 550 миллион сўм кредит ажратамиз.

Тарғибот тадбирларининг самараси мижозлар сонининг кўпайишида кўзга ташланмоқда. Тумандаги "Uchtepa quruvchi va ta'minotchi", "Bog'I eram oromgohi biznes", "Disgolden", "Disgolden inves" масъулияти чекланган жамиятлари ва "Tashpo'latov Anvar Karimovich" хусусий корхонаси ҳам ҳамкоримизга айланиб улгурди. Уларнинг бизга бўлган ишончи, зиммамиздаги масъулиятни янада оширади.

МФЙлар билан ҳамкорликда аҳоли орасига кириб боришга алоҳида эътибор қаратаёмиз. Фуқароларда банкимизга қизиқиш ортапти. Ўзларининг бўш пул маблағларини омонатга қўювчилар бизни танлаяпти.

Янги йўлга чиқдик. Мақсадимиз ҳам замонавий, ҳам сифатли хизмат кўрсатиш. Бу йўлда олмазорликлар биз билан бирга.

Искандар ҒАНИЕВ,
Олмазор универсал банк
хизматлари офиси бошлиғи

Бекзод МУТАЛЛИБОВ олган суратлар.

"Агар инсоннинг ички дунёси ўзгармаса, қўлига қандай нарса тушгани ҳеч қандай аҳамият касб этмайди. Дўст, жигарлар, яқин инсонларнинг бўлиши зарур. Шунда ҳаётда тарбияланасиз ва инсоний фазилатларингизни кучайтирасиз. Ҳар қадамда яхшиликлар қилишни истайсиз. Ёнингиздагиларда сизга эътибор кучайса, бахтиёрлик ҳиссини туясиз", дея такрорловчи ҳамкасбимиз Шухрат Ҳамидов нафақат ишда, балки, ҳаётда ҳам ҳамиша бизга ибрат.

"НАМКОРБАНК"ДА ҚАДР ТОПДИМ



У 2004-2007 йиллар Яккасарой ва Авиа-созлик универсал банк хизматлари офисларида бош ҳисобчи лавозимида ишлаган кезларидаёқ "Hamkorbank" АТБнинг етакчи мутахассиси сифатида танилган. Кейинчалик Наманган минтақавий ҳамда Юксалиш универсал банк хизматлари офисларида фаолият олиб борди.

2018 йилда янги очилган Чуст универсал банк хизматлари офисига тажрибали ҳисобчи зарур эди. Бу вазифага Ш. Ҳамидов муносиб топилди. Шундан буён ушбу лавозимда фаолият юритиб, ёшларга соҳа сирасорларини ўргатиб келмоқда.

Унинг айтишича, болалик орзуси иқтисодчи бўлиш эди. Ҳаёти орзуга, орзулари эса воқеликка айланганидан хурсанд. Ҳали касбидан кутганлари кўплигига ишонади.

— Инсон ўзини ўзи ҳурмат қилиши ва севиши керак. Шундагина мақсад сари интилади, курашади ва эришади, - дейди у.

Бугун наманганлик ҳамкасбларимиз Шухрат акани ўзларига "устоз" деб билишади. У биланларини ёшларга ўргатишдан чарчамайди. "Hamkorbank" АТБнинг Наманган вилоятидаги муассасаларида фаолият олиб бораётганларнинг аксарияти унинг шоғирди.

— Банк иккинчи уйимга айланиб қолган. Бу ерда шаклланган қувноқ, аҳил ёш жамоа билан куч-қувватга тўлиб, завқ билан ишлайман. "Устоз" деб йўқлаб келишса бағрим тўлади. "Hamkorbank"да қадр топганимдан хурсандман.

Нодира УСМОНОВА,
ҳодимлар билан ишлаш менежери

У ўз даврининг буюк ислохотчиси сифатида ном қозонган. Ташаббускор ва ҳақиқий самарали иш юритувчи-менеджер, дея тан олинган. Ташкиллаштирган пул ва солиқ ислохотлари Россиянинг иқтисодиётини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этган. Афсуски, уруш ва 1917 йилги инқилоб унинг бор сарф-ҳаракатларини чиппака чиқарди...



1849 йилда Тифлис (ҳозирда Тбилиси)да туғилган Сергей Витте нуфузли оилада камол топ-

ди. Бироқ, дворянлар хонадониде улғайган бўлсада ҳаётидаги бор нарсаси ўз кучи, ақл-заковати ва ақл бовар қилмас ғайрат-шижоати билан эришди.

Бўлғуси вазирнинг маълумоти ҳаминқадар, ўқишга тоқати йўқ

Сергей ВИТТЕ

эди. Тифлис гимназиясида унга қоқоқ, бошқариб бўлмас ўқувчи сифатида қарашарди. Шундай бўлсада у 1866 йилда университетнинг физика-математика факультетига ўқишга кирди. Ўқишни тамомлагач Одесса темирйўл тармоғида турли вазифаларда (билет сотувчи, машинист ёрдамчиси, бекат бошлиғи ва ҳ.к) ишлаб, мазкур соҳанинг вазирини даражасига етди.

Виттенинг тақдирида бир воқеа муҳим роль ўйнади. Импе-

ратор Александр III кутилмаган ҳолатда Витте ва темирйўл вазири К.Посёта ўртасидаги тортишувнинг шохиди бўлиб қолади. Вазир подшоҳ поездларининг тезлигини оширишни сўрар ва Витте эса бу хавфли эканлигини таъкидларди. Уларнинг тортишувидан бир неча ой ўтгач содир бўлган фожиа-ли темирйўл ҳалокати Виттенинг ҳақлигини исботлади. Кўп ўтмай у император тавсияси билан вазир мақомига эришди.



“Hamkorbank” АТБ тизимида иқтидорли ёш мутахассислар талайгина. Ана шулардан бири Мадад Чоризодадир. “Hamkorbank”чилар сафидан жой олганга эндигина бир йил тўлди. Ҳозирда Қашқадарё минтақавий банк хизматлари офиси корпоратив хизматлар бўлими 1- тоифали менежери(оммавий) лавозимида ишламоқда.

Дастлабки иш фаолиятини беш йил аввал “Ўзмилийбанк”да бошлаган иқтидорли йигит билан суҳбатимиз қизиқарли кечди.

ларда ўзимизнинг олийгоҳларда “рақобат” кучли эди. Бунга 196 балл тўлаб ҳам талаба бўлолмаганим сабаб бўлгандир, балким...

— **Сарҳисоб қилсак: ўтган бир йил ичида жамоангизга қандай наф келтирдингиз (ёки наф келтирдим деб ўйлайсиз)?**

— Тўғриси жамоамиздан жудаям миннатдорман. Мени илиқ кутиб олишди. Ҳамкасблардан кўплаб янгиликларни, ишга замонвий ёндашишни ўргандим. Бутунлай янги-

биласизми, Аргентина терма жамоасининг ғалабасини саккиз йил кутганман. 2014 йил финалдаги мағлубиятидан сўнг, Леонил Мессини келгусида мундиалда ғолиб бўлишни орзу қилардим. Унинг Марадона ва Пеле даражасида эканлигига шубҳам йўқ эди. Бунини исботлаши учун шунчаки жаҳон чемпионати кубогини боши узра кўтариши керак эди ва бу содир бўлди.

— **Мусиқага, соз чалишга ҳавасманд эканлигингизни айтишди. Соз чалишни қай тарзда ва кимлардан ўргангансиз? Айнан қайси чолғулар сиз учун сеvimли?**

— Болаликда уйимизда тор бўлар, фақат дадамгина унга тега олардилар. Дадам созни жудаям яхши чалади, доим кўлларига олиши билан югуриб бориб томоша қилиб турардим. Кейинчалик мусиқа мактабининг дутор тўғрагига бордим. Бир йил таълим олгач, айрим сабаблар туфайли ўқишни давом эттиролмадим. Кейинчалик бетобланиб қолдим, уйда 2-3 ой даволаниш жараёнида пианино чалишни машқ қилдим. Эшитган куйимни пианинода ҳеч қандай ноталарсиз чалишни ўрганиб олдим. Бугунги кунда пианино, аккордион ва торли мусиқа асбобларини чала оламан. Айниқса, ишдан бироз толиқиб келганимда хонамга кириб олиб, соатлаб мусиқа чалишни ёқтираман. Бу ҳолатни сўз билан тушун-

“СЕМИЗ” КИТОБЛАРНИИ ЎҚИГАН ЙИГИТ

— **“Тил билган – эл билади”, дейишади. Инглиз ва рус тилларини аъло даражада билишингизга қайси омиллар сабаб?**

— Болалигимда уйимизда дадамнинг алоҳида кутубхонаси бўларди ва китобларнинг аксарияти рус тилида эди. Уларни ўқиб кўришга, ичидаги сир-синоатларни англашга менда шунчалик иштиёқ кучли эдики, баъзан “семиз-семиз” китобларни кучоқлаб юрардим. Тил ўрганмасам бу китобларни ўқий олмаслигимни вақт ўтган сари ангаддим. Тушунмасам ҳам рус ва инглиз тилларидаги киноларни жим тинглаб кўраверардим. Эҳтимол шу сабаб рус ва инглиз тилларини ўрганиш осон бўлгандир.

— **Иқтисодчи мутахассис бўлиш учун нега айнан Россия иқтисодиёт университети Тошкент шаҳри филиалини танлагансиз?**

— Аслида санъат соҳасига қизиқишим кучли (бугунги кунда ҳам шундай) эди. Шеърлар машқ қилардим, фильмлар сценарийларини кўриб, ёзиб олардим. Бироқ, барибир ичимда нимадир ота-боболарим йўлидан кетишга туртки берди. Сулоламизга кўра, мен 5-авлод иқтисодчиман. Шу сабабли уйда дадам билан суҳбатимиз фақат сиёсат ва иқтисод ҳақидаги баҳс-мунозаралардан иборат эди. Балким мана шу суҳбатлар мени Россия иқтисодиёт университети томон етаклагандир. Уша пайт-

ча тизим, мижозларга хизмат кўрсатишда тезкорлик, аниқлик... қўйингки, ҳаммаси эътиборга лойиқ. “Hamkorbank”да буларнинг барчаси ажойиб ва ўзига хос деб биламан. Қўшган ҳиссамни эса ўзим баҳолай олмайман. Лекин бир нарса аниқ: якунланган йил режа кўрсаткичларимиз юқори даражада бўлди.

— **Туғилган юртингиз – Косон атамаси қандай маънога эга?**

— Косон хусусида тарихий манбаларда турли маълумотлар учрайди. Шулардан ҳақиқатга яқинроғида айтилишича, милоддан аввал мазкур манзилгоҳда Ксенниппа шахри ёки қалъа мавжуд бўлган экан. “Ксен” атамаси кейинчалик Косонга айланиб кетган. Косон шахрида қадимдан қандолатчилик ривожланган. Туманимиз республикада энг кўп пахта хосилини етказиб берадиган ҳудудлардан бири. Бу ерда қадимдан ўзбек, тожик ва этник араблар вакиллари аҳил яшаб келмоқда.

— **Қатарда футбол бўйича якунига етган жаҳон биринчилигида қайси жамоага муҳлислик қилдингиз?**

— Футбол жону дилим: томоша қилишни ҳам, у билан шуғилланишни ҳам ёқтираман. Ҳамкасблар билан тез-тез футбол ўйнаб турамиз (табиийки, учрашувларни ўзим ташкил қиламан). Жаҳон чемпионатида келсак:



тириш қийин, жудаям ажойиб ҳис-туйғули лаҳзалардир.

— **2023 йилни қандай кутиб олдингиз. Тилакларингиз, орзуларингиз...**

— Ҳа, ажойиб воқеалар, ширин хотираларни ортда қолдириб, 2022 йилимиз ҳам якунига етди. Ҳар доимгидек байрамни хушқайфиятда, яхши ниятлар билан кутиб олдим. Тилакларим бир олам: юртимиз тинч, элимиз омон бўлсин. Юртдошларимиз эзгу мақсадларига етсин.

Суҳбатдош: **Ҳалимжон ТОҲИРОВ**

Витте кўп ўтмай молия вазири лавозимида иш бошлади ва ўн бир йил давомида улкан ислохотларни рўёбга чиқарди. Мамлакатдаги барча пул оқимларини қатъий назорат остига олди, солиқ сиёсатини тубдан ўзгартириш ташаббускори бўлди ва бунини илмий излашларида, мақолаларида кўрсатиб ўтди. Бевосита ва билвосита солиқларнинг иқтисодиётдаги ўрни ва аҳамиятини белгилаб берди. Унинг “буюк вазифалар буюк йўқотишларни талаб қилади,” ибораси давр шиорига айлан-

Сергей Виттенинг машҳур иборалари:

* **Тарихий тараққият йўлини ушлаб бўлмайди, фуқаро озодлиги ғояси ислохотлар йўли билан амалга ошмаса, инқилоб йўли тантана қилади.**

* **Халқ оч қолмаслиги ва меҳнати ишлаб чиқаришга қаратилиши учун уни сиёсий йўлдан озод қилиш, умумфуқаролик ҳуқуқларини бериш, умумий меъёрларга бўйсундириш, меҳнатининг тўлиқ ва шахсий эъсасига айлантириш керак. Бир сўз билан айтганда, уни фуқаролик ҳуқуқи нуқтаи назаридан шахсга айлантириш зарур.**

ганди. Туз, спирт, пиво, тамаки, шакар, керосин ва гугуртга янги акциз солиқларини жорий этди. Асосий спиртли ичимликлар савдосини (ва табиийки даромади-

ни) давлат тасарруфига ўтказди.

Витте мамлакатнинг молиявий ҳолатини яхшилаш баробарида пул сиёсатини янгилади. Эскирган пуллар ўрнига халқаро

ДУНЁНИ ЎЗГАРТИРГАН МОЛИЯЧИЛАР

меъёрга мос келадиган олтин тангаларни муомалага киритди ва у вақт ўтган сари дунёнинг барқарор валюталаридан бирига айланди.

С. Витте дипломатия ва сиёсат борасида ҳам фаоллик кўрсатди, мураккаб вазиятларда мамлакат манфаатларини муносиб ҳимоя қилди. Россия тахти кулашидан икки йил олдин – 1915 йилда оғир хасталик туфайли Санкт-Петербургда вафот этди.

Ҳ. РАШИДОВ
тайёрлади.

Сўнгги вақтда миллионлаб мухлислар эътиборидаги футболчининг иши ҳақиқатан ҳам юришмай қолди. Ҳатто кўпчилик Роналдунинг "Ал-Насср"га ўтаётганини танқид қила бошлади. Бу воқеани таниқли футбол эксперти Жейми Каррагер "аянчли якун" деб атади. Хўш, аслида ҳам жуда хунук хотимами?

Миллионлар
ўйини

РОНАЛДУ

Саудияга йўл олди

Бир ойдан сўнг Роналду 38 ёшни қарши олади. Катта эҳтимол билан, у шу пайтгача кўрсатган темпдаги футболни энди намойиш этишга қодир эмас. Бир гол учун АПЛда 520 дақиқа сарфлаш исталган форвард учун омадсизлик. Айниқса, ҳимояда кам наф келтирадиган Роналду сингари ҳужумчилар учун.

Шундай экан, кучли бешликдаги бирорта мураббий уни асосий тар-

шишдан кўра, барчасини тўғри ҳисоблади ва ўзини қийнаб ўтирмади.

Ҳа, у Саудия Арабистонига йўл олди, аммо нима учун? Пул учун дейсизми? Менимча, бу иккиламчи масала. Энг муҳими, Криш футболда қолишни истади. Ана ундан кейин пул борасидаги масалани кўриб чиқиш мумкин. Қахрамонимиз ўзи ижро этадиган ролни кичиклашганини тан олди ва шу сабабли

ди. Шундай экан, мазкур трансфер 100 фоиз тўғри қарор. Футбол учун ҳам, футболчи учун ҳам.

Хўш, йилига 200 миллион Евро маош олса нима бўлибди? Бунда Роналдунинг нима айби бор? Бу маблагни Европа клублари тўлаётган пуллардан фарқи нимада? Ер юзидида спортчилар учун берилаётган маошнинг тоза ёки тоза эмаслигини аниқловчи марказ борми? Тўғри, Европа ва бошқа қитъа вакиллари учун Саудия Арабистонидagi аёллар футболга муносабат нотўғри талқин қилинади. Аммо Криш ўзининг илк интервьюсидаёқ мамлакатдаги муаммолар ҳақида фикр билдирди. Кўп ўтмай, саудиялик аёл ҳакам тарихда илк бор ФИФА рефериси мақомига эришди. Аслида, Роналдунинг Осиёга кўчиб ўтиши футболнинг янги даражага кўтарилиши учун туртки вази-фасини бажармоқда. Бу трансферга паст назар билан боқиш кулгили.

Афсуски, кўплаб ёш футболчилар карьерасини ривожлантириш ўрнига катта шартномалар таклиф этишга қодир жамоалар томон ошиқмоқда. Бу кишини кўпроқ хавотир-

га солади. Роналду футбол учун бир инсон нима бериши мумкин бўлса, ҳаммасини бериб бўлди. Унинг ишқибозлар, экспертлар ва ҳатто футболдан ҳам умуман қарзи йўқ. У 20 йил давом этган топ мавсумдан сўнг бироз енгилроқ тин олишга ҳақли. Уни "мега контракт" учун нолойиқ деб ким айта олади?

Кимлар учундир Месси биринчи рақамли бўлиши мумкин. Аммо футболдан олинадиган даромад борасида Роналду барчадан бир қадам олдинда. Катта эҳтимол билан, у қўлга киритган сўнгги катта шартнома эди бу. Португалиялик юлдуз ҳам, биз ҳам футбол оламида 15 йил гегемонлик қилган йигитнинг эраси якунланаётганини томоша қиляпмиз. Бу ҳолат Лео Мессини ҳам чеклаб ўтмаслиги турган гап.

Ҳеч бир спортчи ҳали йилларни маҳв этишни уddалай олмаган. Катта эҳтимол билан, аргентиналик даҳони ҳам шундай якун кутиб турибди. Омон бўлсак, кўраверамиз. Ҳозирча "Ал-Насср"даги Роналдуга эътибор қаратинг.

Яҳёхўжа
УЛУҒХЎЖАЕВ,
журналист

Дарахтлар дунёси жуда бой ва хилма-хилдир. Баъзида бирор бир манзара тасвирига назар ташласак, у бизга рассомнинг илмий фантастик фильми ёки китоби учун чизилган ихтироси бўлиб туюлгандек бўлади. Шубҳасиз, дарахтларнинг ҳар бир тури ўзига хос тарзда ноёбдир. Бироқ 100 мингдан ортиқ навлар орасида чинакам ғайриоддий вакиллар борки, уларнинг ёнидан ҳайратланмасдан ўтиб бўлмайди.

ТАБИАТ ҒАРОЙИБОТЛАРИ



ҲАЁТ ДАРАХТИ

У 400 йилдан ортиқ вақтдан бери Баҳрайн чўлида ўсади ва кўп километрлик масофадаги ягона тирик ўсимлик ҳисобланади. Ажабланирлики, дуккакли мескит (mesquite) дарахти тўғридан-тўғри сувдан бемалол фойдалана олиш имкониятига эга эмас. Олимлар унинг қандай омон қолиши ҳақида бош қотирмоқда: улар дарахт илдизлари ерга шунчалик чуқур кириб борганки, ҳали аниқланмаган ер ости дарёсига етиб борган бўлиши мумкин, дейди. Бошқа бир тахмин фанга номаълум бактериялар "Ҳаёт дарахти"га намлиқни тупроқдан чиқариб бериши ҳақида сўзлайди. Чўлнинг барча шароитларига қарамай, бу ёлғиз акация ўсишда давом этмоқда ва сайёҳлар учун машҳур диққатга сазовор жойларнинг бирига айланган.

АЖДАҲО ДАРАХТИ



Қизил драцена сифатида ҳам танилган бу дарахт Хинд океанининг Сокорта оролида ўсади. Ташки кўринишидан ўсимлик очилган катта соябонга ўхшайди. Аждаҳо дарахти ўз номини маҳаллий аҳоли томонидан жуда қадрланадиган қон-қизил рангли шарбати туфайли олди. У эрта баҳорда гуллаб, игна шаклидаги новдаларида оқ ёки оч яшил рангдаги хушбўй попул гуллар пайдо қилади.

Б. МУҲАММАДИЕВА
тайёрлади



киб футболчисига айлантирмайди. Демак, Роналду энди карьерасини кучлироқ клубда давом эттиришни истади, айнан шу муаммо билан тўқнаш келишга мажбур бўларди. У йилларга қарши кура-

ҳам кичикроқ саҳнага йўл олди. Криштианунинг Рангник ёки тен Хаг бошқарган жамоа захирасида ўтиришни тасаввур қилишнинг ўзи, бу футбол логикасига умуман тўғри келмаслигини англата-

Атрофимиздаги олам қизик ва мураккаб. Биз учун одатий бўлган буюмлар ғаройиб келиб чиқиш ва тушунтиришга эга бўлиши мумкин.

* Муайян баландликда инсон қони қайнаши мумкин. Бу жуда паст босим билан изоҳланади. Бу чегара 19 миллион 200 минг метр баландликда жойлашади ва Армстронг чегараси деб номланади.

* Одам суяклари тузилишига кўра корал (маржон)га ўхшаш.

* Бир хил маҳ-

сулотларнинг таъми бироз вақт ўтгач ўзгача бўлишини сезганмиз? Гап шундаки, таъм рецепторларимиз 10 кун ичида янгиланади ва бир хил таъмга турлича реакция қилади.

* Капиллярларда-



ги қон тезлиги соатига 1 метрни ташкил қилади, аслида юракнинг ўзида соатига 1,6 километрга етади.

2023 йилда лойиҳа доирасидаги биринчи суҳбатдошимиз Швециянинг "Euroasia AB" компанияси директори Музаффар Ҳожиматов бўлди. Дастлаб қаҳрамонимизни Ота юрт ва Ватан соғинчи ҳақидаги фикрлари билан қизиқдик.

— Ўзбекистон гўзал диёр, деганларича бор. Ҳар бир ватанидан йироқда яшайдиган инсон каби доим Ўзбекистонни соғинаман. Менимча бу ҳаммада бўлади. Интернет орқали кўриб, оила аъзоларим ва дўстларим билан алоқада бўлсам ҳам юрагимнинг бир парчаси юртимда қолгандай яшайман.

Бу ердаги ҳаётим мени тамоман қониқтирсада, она-Ватанимнинг ўрнини босмайди. Ўз юртингни ери ҳам, суви ҳам, инсонла-



дат банк секторида фаолият юритдим. 2004 йилда эса янги фирмам — "Ibratli Savdo LTD" номи остида автомобиль эҳтиёт қисмлари савдоси билан шуғуллана бошладим. 3 та дўконим бор эди ва даромад ҳам яхши бўлган.

Дунё кезиш ва ривожланиш мақсадида 2007 йили Швецияга кўчиб ўтдим ва бир йил давомида швед тилини ўргандим. Якка тартибдаги табиркорлик фаолиятимни бошладим. Ишим таъмирлаш ва одамларга уйлардан кўчишга кўмаклашиш эди. 2013 йилда мустақил табиркорлик фаолиятим — "Euroasia Transport AB" — транспорт ва почта жўнатмалари билан ишлайдиган компанияга айланди.

чалик афсус қилмайдиган даражада яшашга ҳаракат қиламан. Яшаш тартибим аниқ. Яқин келажақдаги ниятларим ва мақсадларим режалаштирилган ва уларни амалга ошириш йўлида ҳаракатдаман. Ота-онам, оилам ва яқинларимни доим кўнглини олишни истайман. Ўзимга ёқмаган иш билан шуғулланмаман, қилаётган ишим менга қувонч келтириши керак. Спорт билан жиддий шуғулланмасамда, кунига 10 минг қадам пиёда юришга одатланганман.

— Ўз ҳаётингиздан қониқасизми?

— Албатта. Меҳрибон ота-онам, синглим, укам, оилам ва ёқтирган ишим бор. Уйим ва мусаффо осмонимиз, осойишта ҳаётим бахтим. Бундан ортиқ нима керак? Ҳаётда ва ишда муаммолар кўп учрайди. Уларни ечишда

ГАЗЕТА ТАРҚАТУВЧИЛИКДАН КОМПАНИЯ РАҲБАРЛИГИГА

ри ҳам бошқача бўларкан. Бу ерда ўз миллий таомларимиздек мазали таом йўқ. Швед таомлари ўзгача.

Тўғри, Швецияда ҳам ўзбеклар кўпайиши натижасида ўзбек рестороанлари очилди, миллий таомларимизни тайёрлаб сотадиган ишбилармонлар бор. Айниқса, андижонча палов ва шашлик тайёрлайдиган жойларни кўрганда ғурурланиб кетаман.

— Ўзбекистондаги, хусусан, туғилган жойингиз-Андижондаги ўзгаришларни қандай баҳолайсиз?

— Сўнгги йилларда Ўзбекистон халқаро инвестициялар учун жозибадор давлатлар қаторига кирди. Халқаро рейтингларда обрўси кўтарилди ва ташқи савдони оширди. Миллий иқтисодиёт жонланди ва ўзгариш шамолини ҳис қилган ўзбекистонликлар ҳам ўзгармоқда. Аниқроғи олдинга интиляпти.

Андижондаги ўзгаришлар ва амалга оширилаётган ислохотлар ҳам қувонарли. Юртдошларимиз жуда меҳнаткаш ва ишбилармон. Табиркорлик, деҳқончилик, савдогарлик деярли ҳар бир андижонликнинг табиатида бор. Янги барпо этилаётган бинолар ва бунёдкорлик ишларини кўриб хурсанд бўласан киши. Қурилишга қизиққанлигим сабаб "Янги Андижон"нинг барпо этилишини кузатиб бораман.

— Швеция ҳақида фикрингиз?

— Бошқа мамлакатлар каби афзалликлари ва камчиликлари бор. Бу ердаги

ҳаёт тарзи дунёқарашимни ўзгартирди. Мустақилроқ бўлдим. Бу ерда ота-онам, дўстларим ва танишларим йўқ. Бир вақтнинг ўзида тил ўрганишим ва барча ишларни ўзим қилишим керак бўлди.

Яхши тарафлари малакали мутахассисларнинг ишлаши учун имконият кенг, давлат томонидан табиркорларни сабабсиз текширувлар йўқ. Фирма очиш жуда осон, миждоз топиш каналлари ривожланган.

Қийин томони швед тилини билиш керак, боиси, шведлар ўз тилида гапиришни яхши кўришади. Рақобат кучли, ижара, солиқлар баланд ва асосийси ватан, оила ва қариндошлар соғинчи бор. Яшаш учун қиммат давлатлардан бири эканлиги билан ҳам ажралиб туради.

Швеция ўзининг кучли ишбилармонлик муҳити, глобал рақобатбардошлиги ва инновацияларга чанқоқлиги билан ҳам машҳур. Бунинг асосий сабаби мамлакатнинг эркин бозор муҳити ва юқори даражада ривожланган таълим тизимида, деб ўйлайман.

Яна бир муҳим маълумот, бу ерда энг кам иш ҳақининг миқдори белгиланмаган. Лекин касаба уюшмалари индивидуал тармоқлар ва иш турлари учун стандартини белгилайди, иш берувчиларга ўз шартларини қўйиши мумкин. Иш берувчилар иш ўрнини тугатишда маълум расмий қоидаларга риоя қилишлари керак. Ўз хоҳиши билан ишчиларни

ишдан бўшата олмайди.

Швеция, айниқса, Стокгольм ва Гетеборг каби йирик шаҳарларда яшаш харажатлари қиммат. Бундан ташқари, кундалиқ турмушимизда ҳам турли тўловлар қилинади. Автотураргоҳ, шаҳар марказига автомобильга кўриб-чиқишга, автомобиль эгалари учун тўлов ундирилади. Ҳар бир харид қилинган маҳсулот ва хизмат учун ҳам 25 фоиз ҚҚС солиғи тўланади.

— Ҳаёт йўлингиз қандай?

— 1979 йилда Андижонда туғилганман. Болалигим жуда қизиқарли ўтган. Мактаб даврларидан бошлаб савдо-сотиққа қизиқаман. Ёзги таътилларда амакиларим билан Самарқанд, Бухоро, Кўқон ва Марғилон бозорларидан автомобиль эҳтиёт қисмларини олиб келиб, Андижон бозорларида сотардик. Чим устида хоккей ва бокс билан икки йил шуғилланганман.

Иқтисодиёт ва молия ҳар қандай жамият ҳаётининг асоси. Молиявий саводхонликсиз ҳеч бир давлат ривожланмайди. Шунинг учун Андижон муҳандислик-иқтисодиёт институти (ҳозирги Андижон машинасозлик институти) молия ва кредит йўналишини отамнинг маслаҳатлари билан танланганман. Дадам яхши таълим келажагим пойдевори эканлигини кўп бор таъкидлаганлар.

2000 йили бакалаврликни тамомлаб, бир муд-



Ҳозир "Euroasia" номли компания фаолиятини олиб борапман. Стокгольмнинг турли ҳудудларида жойлашган учта офисимиздан ватандошларимиз Ўзбекистон ва бошқа давлатларга пул жўнатмалари юборишлари ва қабул қилишлари мумкин. Бундан ташқари, валюта айирбошлаш ва дунёнинг барча давлатларида юк жўнатиш билан ҳам шуғулланамиз. Ватандошларимизга ўзбек тилида хизмат кўрсатамиз, офисдаги ишчиларимизнинг аксари яти ўзбеклар. Компанияда бошқарувчи бўлиб ишлайман ва ҳамкорлар билан шартнома имзолашдан бошлаб то миждозларга хизмат кўрсатишгача барча босқичларда иштирок этаман.

— Сизнингча инсон қандай яшаши керак?

— Буни аниқ бир жавоби бўлмаса керак. Чунки ҳар бир инсоннинг ўз ахлоқий, миллий ва диний тамойилларга асосланган жавоби бўлади. Ҳаёт инсонга бир марта берилди. Шахсан мен уни кейин-

давомийлик ва сабр билан ҳаракат қиламан.

— Бўш вақтингизни қандай ўтказасиз?

— Бўш вақтим жуда кам. Ҳатто аввалгидек китоб ўқиш ёки фильм кўришга ҳам деярли вақтим йўқ. Шунга қарамай жаҳон янгиларидан хабардор бўлиб туришга ҳаракат қиламан. Оилам билан мулоқот қилиш ва болалар тарбияси билан шуғулланишга вақт ажратаман.

— Андижон боласи Швецияда. Буни қандай баҳолайсиз?

— Бу осон бўлмаган. Швецияга келган йилим бир вақтнинг ўзида тил курсларида ўқиб ҳайдовчилик қилганман, газета ҳам тарқатганман. Интернет туширадиган фирмада ишлаётганимда бундай яшашда давом этишни хоҳламадим ва ўз фирмамни очиб логистика билан шуғилланганман. Кейинроқ квартира таъмири ва боғбонлик ҳам фаолиятимизга қўшилди.

Бугунги кунда Европа давлатлари бўйлаб юк ташинга лицензиямиз бор. Келгусида Европа ва Ўзбекистон ўртасида логистика хизматларини йўлга қўйишни режалаштириб турибман. Мақсадим қаерда яшасам ҳам халқимизга хизмат қилиш ва ўзбеклар номини дунёга танитиш.

Нурилло ТЎХТАСИНОВ
суҳбатлашди



Қўшимиз янги дорихона очган экан. Бориб кўрдик, кутладик. Қарасам, бино пештоқида катта-катта бўртма ҳарфларда "Арзон Аптека" ёзуви. Ёзувдаги митти чироқчалар ўчиб-ёниб турибди.

— "Аптека"ни ўзбекчаси "дорихона" бўлади-ку, — дедим. — Иложи бўлса, тўғрилаб қўйинг.

— Шунақами?... Аттанг, иккита бир хил ҳарф одамларнинг эътиборини жалб қиларди-да, — дея афсусланиб бош чайқаганча ўйланиб қолган қўшни бирдан ўзимизга мурожаат қилиб қолди: — Унда "д" билан бош-

Топди

ланадиган бошқа сўз топиб беринглар, "арзон" маъносини берсин.

Кимдир ҳазил қилди:

— Дарзон.

Бошқалар пайровни илиб кетишди:

— Да-а... арзон...

— Дармон...

— Дим арзон...

Хуллас, бунақа сўз тополма-гач, ўйлаб кўришга ваъда бериб,

хайрлашдик.

Орадан бир ҳафтача вақт ўтди.

Янги дорихона тушган йўлдан ўтаётсам, эшик ёнида қўшим турибди гердайиб. Мени кўриб, у олисданоқ бақирди:

— Топдим! Ўзим топдим ахир! Оддийгина сўз экан-у...

Қўшим нимани айтаётганини англаб, дорихона пештоқида қарадим. Унда улкан бўртма ҳарфлардаги "Дешовий Дорихона" ёзуви чироқчалари ўчиб-ёниб турарди...

"КЎРИЧАК"НИНГ ЎЗБЕКЧАСИ

Тилимиз бойиб бормоқда. Мисоллар керакми, марҳамат:

— "снос" (бузиш, бузиб ташлаш);

— скорпион (чаён);

— номер (рақам);

— доставка (етказиб бериш)

(рекламаларда ҳам бемалол шу сўз ишлатилмоқда) ва ҳоказо.

Яқинда бир ҳамкасбимга

"Фалончи кўричак бўлиб қолипти",

дегандим. Журналист пешонасини

тириштирганча бир муддат ўйла-ниб қолди, сўнг сўради:

— Бунинг ўзбекчаси қанақа бўлади?

Ўйлаб-ўйлаб, ахирини:

— Аппендицитми? — дедим.

Ҳамкасбимнинг юзи ёришди:

— Шунақа демасизми. Ана энди

тушундим...

Абдуқайом ЙЎЛДОШЕВ.

— Холматов, отанг уйдан машинада соатига етмиш чақирим тезликда чиқиб кетди. Сизларникидан икки чақирим наридан отангнинг дўстиам машинасида соатига олтиш чақирим тезликда йўлга чиқди. Улар қаерда учрашшади?

— Яқин орадаги пивохонада.

Математика муаллимаси ўқувчидан сўради:

— Тасаввур қил, сенга 200 доллар бердим. Сен бу пулнинг 50 долларини Ойшага, эллик долларини Захрога, яна эллик долларини Манзурага бердинг. Нима бўлади?

— Жиннихонага тушиб қоламан.



Шу "уяли телефон" дегани турмушимизга коронавирус каби шид-дат билан кириб келди-да! Ҳозир ҳамманинг қўлида телефон.

"Коровултоғ" яйловларида қўй-эчки боқиб юрган чўпонларнинг бошлиғи дароҳт соясида ўтириб, сурувнинг икки томонида телефон ўйнаб ўтирган шерикларига SMS жўнатмоқда: "Парпи, Малла, сурувни тоғнинг кунгай томонидан терскай тарафига

буринглар, кун жуда исиб кетди. Бу мен, бош чўпон. "Ўзи эса "YouTube" платформасига қариб, чиройли аёллар суратларини томоша қилишга тутинди. Бир оз муддат ўтиб у жўнатган SMS хабарига жавоб келди: "Хўп бўлади, раҳбар! Бу биз, бош чўпон ёрдамчилари".

Сурувни сугориш, туз яла-тиш, дам олдириш, отарга қайтариш, кўриқчи итларга овқат бериш, ўзига фойдали гиёҳлардан чой дамлаб келиш каби юмуш-

телефонни ўйлаб топган азаматнинг отасига раҳмат, дунёга келтирган онасига қўллуқ. Жа узоғини яқин қиладиган нарсаси экан-да!"

Бош чўпоннинг рафторига қараб, уни асло қорвадор демасиз. Биз ёшлик пайтимизда билган чўпонлар кўз ўнгимизда гавдаланади: юзлари қуёшдан қорайган, бармоқлари серпай, дағал, кийимлари бир оз чанг ўтирган бўлар эди. Бизнинг қахрамоннинг юзи эса бир неча йиллардан буён офисдан ташқарига чиқмаган бухгалтерия ходимикидек, қўллари топтоза, кийимлар эса озода. Хуллас бу — уяли телефоннинг шарофати.

Уяли телефонлар пайдо бўлган, бизнинг оилада ҳам ақл бовар қилмайдиган муҳит пайдо бўлган. Илгаридек болаларни суйиб эркалаш, улар тилидан шеърлар, қўшиқлар эшитиш, боғча ёки мактабда нима воқеалар ўз берганини сўраб-суриштириш, алла айтиш, эртақ сўзлаб бериш охириги марта қачон бўлганлигини эслай олмаيمان. Барчаннинг қўлида уяли телефон. И к к и ё ш л и ўғлимиз



лар ҳам ёрдамчиларга онлайн тарзда етказиладди. "Шундай қилиб ҳам қўй-эчки боқса бўларкану" — ўйлаб қолади бош чўпон. — "Эғилиб, букилиб сурувнинг орқасидан нақ 25 йилдан буён эргашаман-а. Шу уяли

б о ф ч а д а н келибоқ теле-фонга "ёпишади". Пешонасини диванга қадаб, телефонни гилам устига қўйиб соатлаб ўтиради. Бу йил биринчи синфга борган қизимиз ҳам телефон билан банд. Уйимизда болалар бор-йўқлигини сезиш мушкул. Чунки ҳар оқшом сукунат ҳукмрон. Телевизордаги "Болажон", "Ақлвой" дастурларига ҳам уларда аллақачон иштиёқ сўнган.

Соғлом бўлиш учун кечки овқат ҳам тановул қилиш зарурлиги уяли телефон олдида улар учун чикора. Аслида-ку ҳали ейдиган овқатнинг ўзи ҳам йўқ. Болаларнинг онаси ошхонада ўнг қўли билан қозонни қовлаб, уяли телефонини чап қўлида қўлоғига маҳкам босиб олган ҳолда ким биландир қизгин суҳбат қилмоқда. Бир ордан сўнг унинг телефонида мактаб директорининг (аёлим мактабда ўқитувчи) овозли хабари эшитила бошлади. Овозли хабар топшириқ руҳида бўлиб, ўн беш дақиқа мобайнида "тушундиларингми?", "уқдиларингми?" деган сўзларнинг ўзи бир неча ўн баробар янгради. Кейинги воқеалар яна ҳам кескин авж олди. Энди ўқитувчилар ҳозиргина директордан олинган топшириқлар муҳокамасини бошлаб юборишди. Телефонда бўлаётган қизгин суҳбатни феисбукка келиб тушган янги хабар бўлиб юборди.

Хотинимнинг телефонида келаётган хабарларнинг охири кўринмас эди. Овқат эса пишай демасди. Назаримда табиий газ босими пасайиб кетди, ўчиб қолган бўли-

ҲАЁТДАГИ ҲАНГОМАЛАР

ши ҳам мумкин, лекин аёлим бечора буни идрок этолмасди. Болалар телефон ўйнаб ўтириб нон, печенье еб олишди. Менинг сабру бардошим тугади. Ўғлимдан не машаққатлар билан телефонини олиб, хотинимга қўйидагиларни ёзиб юбордим: "Лола, бу мен, марҳамат қилиб феисбукдан чиққин, бизнинг қорнимиз очди, ахир! Эринг".

Лола хонага кирмади, у ҳамон уяли телефонида энгашиб, ҳамкасбларига ниманидир ёзар эди. Шукр, ўғлимни тувакка ўтказишга аранг улгуриб қолдим. Уни жойига ётқизиб, Лолани кута бошладим. Уйку ҳам мени тарк этди. Ота-онам эсимга тушиб кетди. Қўришмаганимизга ҳам мана ярим йил бўлай деб қолибди. Уларни бир хурсанд қилай деб оиймнинг телефонида матн жўнатдим: "Ойи-жон, сизларга оиламиз расми-ни жўнатыман. Дадам билан Сиз ҳам селфи қилиб менга юборинглар. Биз сизларни жуда соғиндик. Ҳеч чидаб бўлмамайди. Ўғлингиз".

Тун ўз ҳукмини ўткази бошлади. Лоладан эса дарак йўқ. Унинг телефонида хабар йўлладим: "Лола, соат 24 дан ўтди. Ётоқхонага қайт. Ҳамма нарсадан воз кеч. Феисбукдан чиқ энди. Сенга гапим бор. Бугун тўйимиз бўлиб ўтганига 10 йил тўлди. Уша кун бизнинг висол кечамизни дўстим Козим телефонида ёзиб олган экан, у ҳозир менга ташлаб берди. Сени табриклайман. Ётоқхонага кириб мени уйғот, бирга томоша қиламиз. Эринг".

Расулжон МУХТОРОВ.

HAMKOR PRESS

МУАССИС:

"HAMKOR PRESS" MCHJ

Бош муҳаррир: А. НАЗАРОВ

Газета "Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 2021 йил 19 майда 1181 рақам билан қайта рўйхатта олинган Индекс: 460 e-mail: hamkor.press@mail.ru

Газета "Hamkor press" таҳририяти компьютерида терилди ва саҳифаланди. Нашр учун масъул: Н. ЙЎЛДОШЕВА Саҳифаловчи: А. КАБИРОВ Манзиллими: Андижон шаҳри, 105100, Бобур шоҳ кўчаси 53-уй. Тел: 78 298-01-07

"ZAKOVAT" NASHRIYOT UYI MCHJ bosma-xonasida chop etildi. Bosmaxona manzili: Kossonsoy shahri, Chorboғ kўchasi, 17-uy.

Босишга топшириш вақти - 18.00

Топширилди - 20.00

Қоғоз бичими - А3

Буюртма: Адади: 7530

1 2 3 4 5 6

Ҳажми 2 босма тобоқ.

ISSN 2181-9734



Сотувда келишилган нархда.